O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 36 КУН ҚОЛДИ!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 27 июл пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 144 (2441)

1991-2000



## АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

### 2000 йилнинг биринчи ярми якунлари барчамизни руҳланиб ишлашга ундайди

Биринчи марта йилнинг икки чораги мобайнида, давлат бюджети ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан бир фоиз миқдорида ошириб бажарилди. Бу — даромадимиз харажатга нисбатан **9 миллиард 800 миллион сўм** кўп демакдир!

Жорий йилда экспорт импортдан **160 миллион доллар** зиёд бўлди!



**Ватанимиз гуллаб-яшнаши учун,**

**Мустақиллигимиз барқарор бўлиши учун,**

**Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун**

*муштарак мақсад йўлида баҳамжиҳат меҳнат қилайлик!*

## САНОАТИМИЗ ГИГАНТЛАРИ

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Асака автомобил заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси, Қўқон спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё заводи, Кўкдумалоқ компрессор станцияси каби кўплаб гигант саноат корхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди.***





*Улар ҳудудлар инфратузилмаси ва қиёфасини тубдан ўзгартирибгина қолмасдан, балки иқтисодиётнинг янги, самарали тизимларини шакллантиришга ҳам имкон бермоқда. Масалан, Кўкдумалоқ компрессор станциясини олиб кўрайлик. Бу корхона ёрдамида Кўкдумалоқ нефт ва газ конининг маҳсулотлари Фарғона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводларига юборилаётир. Кон эса республикамизда қазиб олинаётган нефт ва газ конденсатининг асосий қисмини бераяпти.*

**СУРАТЛАРДА:** қурилмалар бир маромда ишламоқда; Кўкдумалоқ нефт ва газ конденсати ишлаб чиқариш конининг технологик қурилма машинисти Зафаржон Ҳидоятов.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ВА ОИЛА

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Оила" илмий-амалий маркази "Миллий истиқлол мафкураси — оила фаровонлиги кафолати" мавзуида анжуман ўтказди. Унда вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, жамғарма ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова бошқарган мазкур илмий-амалий семинар-кенгашда "Диний қадриятлар — ғоявий тарбиянинг таянчи", "Оила маънавияти ва миллий мафкура", "Соғлом турмуш тарзининг ғоявий тарбияга таъсири", "Маҳалла — мафкура ўчоғи" каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Анжуманда халқимиз, айниқса, ёшлар ҳамда хотин-қизлар қалби ва онгига миллий мафкурамизнинг маъно-моҳиятини сингдириш, уни умумбашарий қадриятлар билан янада бойитиш ва шу орқали миллий ғурур, ватанпарварлик ва ифтихор туйғуларини шакллантириш борасидаги масалалар муҳокама этилди. Бу борада, аввало, оиланинг моддий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш, аёлларнинг ижтимоий мақомини янада мустаҳкамлаш, маҳаллалар фаолиятини жонлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

**Зуҳро УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Калом*

## АДОЛАТНИНГ БУЮК ТАНТАНАСИ

**Истиқлолнинг 9 йиллигига саноқли кунлар қолганда юртдошларимизга қуйидаги саволни бердик:**

*«Мустақиллик ҳақидаги хабарни қандай шароитда қабул қилгансиз?».*

**Ёқуб АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

– Театрда, репетицияда эдим. Назаримда, ўша йиллари Ўзбекистонни бундай қутлуғ йўлга олиб чиқадиган Йўлбошчи йўқдай эди. Шунинг учун ҳам Ислом Каримовнинг мардлигига қойил қолганман. Ахир бундай интилишларни «марказ» қандай шафқатсизлик билан бостиришини ҳаммамиз яхши билардик-да.

**Йўлдош СУЛАЙМОН,**
**ёзувчи:**

– Кечки пайт радиони қўйиб, китоб ўқиётган эдим. Хушхабарни эшитиб ўрнимдан туриб кетдим. Ҳангу манг бўлиб бир жойда қотдим. Қулоғимга ишонмадим. Кейин эса, қувончдан... йиғлаб юбордим.

**Баҳодир МАХСИТОВ,**
**ҳуқуқшунос:**

– Ўша лаҳзалар адолатнинг буюк тантанаси сифатида ёдимда қолган. Ишда эдим. Биз, ҳуқуқшунослар собиқ тузум даврида кўпгина ноҳақликларнинг бевосита гувоҳи бўлган эмасмизми, мана энди ишлайдиган замон келди, деб ҳамкасблар бир-биримизни қутлаганмиз.

**Бахтиёр АБДУРАҲМОНОВ,**
**иқтисодчи:**

– Ўша куни шанба эди. Уйда телевизор орқали сессия ишини кузатдим. Президентимиз мустақилликни эълон қилганларида, тезроқ бу янгиликни бошқаларга етказишга интилдим. Қўшниларимга айтгандим, баъзилари ажабланиб қарашди.

## ЧУҚУР ТАҲЛИЛ АСОСИДА

### САМАРҚАНД

Куни кеча бўлиб ўтган йиғилишда вилоят ҳокими Э. Рўзиев Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида тўхталди. Ўтган ярим йилда вилоятда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар бирма-бир таҳлил этилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова сўзга чиқди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ХОРАЗМ

Урганчда бўлиб ўтган йиғилишда Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси асосида олдинда турган вазифалар, ислоҳотларни чуқурлаштириш тадбирлари кенг муҳокама этилди. Жойларда халқ хўжалигининг барча соҳа ва тармоқларидаги аҳвол танқидий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинди.

Ярим йилда вилоят саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 фоизга кўпайди. Асосий саноат корхоналарида ўсиш 24 фоизни ташкил қилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 14 фоизга ошди.

Шу билан бирга, мавжуд камчилик ва нуқсонлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Вилоятда экспорт ҳажми ўтган йилдагига қараганда кескин камайди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БИЗНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА ҲАВАС ҚИЛИШСИН

*XXI аср сари*

### ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЙЛИГИМИЗ

Миллатимизнинг XX асрдаги илғор фикрли намояндаларидан бири, атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний ёшларга яхши тарбия бермоқ «миллат саодатини таъминламакдир» деган эди. Барча улуғ зиёлиларимиз ёшларга қандай йўналишларда тарбия бериш кераклиги масаласида кўп мушоҳада юритганлар. Шу маънода, Абдулла Авлонийнинг яна бир фикри диққатга сазовордир. У ёзади: «Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ёшларнинг илм ва маърифатига, ҳунари ва санъатига боғлиқдир».

Фидойи маърифатпарварларимиз ёшлар тарбиясида фақат назарий тафаккур билан чекланиб қолишмади. Улар миллат болаларининг «кўзини очиш» учун мактаблар ташкил этдилар, дарсликлар битдилар, миллатнинг бой-бадавлат одамларини ёшлар тарбияси борасида ҳомийликка даъват этдилар. Ёшларнинг энг салоҳиятлиларини ҳатто чет элларда ўқитиш чора-тадбирларини излашиб, савоб ишга, жумладан, ўзларининг китобларидан, меҳнатларидан келган шахсий жамғармаларини ҳам сарфладилар.

Аммо уларнинг уринишлари ночор даражада эди. Туронзаминни ўз исканжасида маҳкам тутган чоризм ва ундан кейин қизил салтанат учун миллатнинг ривожи, камолоти эмас, балки мазлумликдаги меҳнати, ундан келадиган даромад, манфаат кўпроқ зарур эди.

Зулмат оғушида юлдуздай чақнаб, яккам-дуккам хорижда ўқиб келган ўзбек ёшларининг қисмати ҳам ачинарли тугади, улар «хавфли шахслар» рўйхатига тиркалиб, барчаси қамоққа олинди, сургун қилинди, отилиб кетди... Мамлакат ихтиёри ўзида бўлмагач, унинг равнақи ҳам, мана шу тариқа, ҳамиша савол остида бўлади.

Шу сабабдан ҳам биз Мустақиллигимизни қадрлашимиз, унинг байроғини кўзимизга тўтиё қилишимиз, мустақил ҳаёт асосларини кун сайин мустаҳкамлаб, унинг тараққиёт уфқларини кенгайтириб боришимиз керак. Бу — ҳозирги ўзбекистонликларнинг ўтмиш ва келажак олдидаги тарихий бурчидир.

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг энг етакчи, устувор вазифаларидан бири, Президентимиз тўхтовсиз таъкидлаб келаётганларидек, Ўзбекистоннинг озод ва обод келажагини қура оладиган замонавий, малакали, комил маънавий дунёли янги авлодларни тарбиялаб вояга етказишдир. Ватанимизнинг мунаввар келажаги асосларини аниқлаб берган Йўлбошчимиз масалани ана шундай қўймоқдалар. Шу мақсадда МДҲ давлатлари орасида фақат бизнинг мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Шу мақсадда таълим тизими тубдан ислоҳ этилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги Фармони ва унга биноан республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўша йилнинг 13 январида қабул қилинган Қарор асосида ўзбек ёшларининг чет элларда таълим олишини уюштирувчи ва ҳомийлик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармаси дунёга келди. Ўтган тўрт йил мобайнида амалга оширилган улкан саъй-ҳаракатларнинг натижалари «Умид»дан умидимиз рўёбга чиқаётганлигига ёрқин далилдир. 1997-1999 ўқув йиллари мобайнида ўзбек ёшларининг 625 нафар энг иқтидорли вакиллари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва Италиядаги энг нуфузли олий таълим марказларида бакалаврлик ва магистрлик унвонларини олиш учун ўқишга йўл олдилар. 2000-2001 йилдан бошлаб ўзбекистонлик ёшлар Канада олий ўқув юртларига ҳам боришади. Бу йил яна 124 нафар ўғил-қиз Ўзбекистон Республикаси Президенти грантларига сазовор бўлиб, чет элларга жўнатилмоқда. Шуни айтиш кераккки, хорижда таълим олаётган ёшларнинг аксарияти — вилоятлардан, оддий оилаларнинг фарзандларидир.

— Президентимизнинг ва давлатимизнинг ўзбек ёшларини чет элларда таълимини уюштириш билан боғлиқ ташаббуслари ва бу йўналишда олиб борилаётган улкан миқёсдаги ишлар қўшни давлатлар ва халқларининг ҳавасини келтирмоқда, чет эллик атоқли мутахассисларнинг эса таҳсин ва ҳайратларига сазовор бўлмоқда, — дейди жамғарма директори Музаффар Зиёев биз билан суҳбатда. — Ахир қайси давлат ёшларнинг катта-катта гуруҳларини ҳар йили мунтазам чет элга жўнатиб, давлат ҳисобидан ўқитишга қарор қилаяпти?! Бу борада Ўзбекистонимиз ҳозирча дунёда ягона давлатдир. Фақат болаларимиз ўзларининг Ватан умидига айланган авлод эканлигини бир лаҳза бўлсин, унутмасликлари зарур.

(Давоми 2-бетда).

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

# ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАН — ИШОНЧ ВА ҚАТЪИЯТ БИЛАН

**Мустақилликнинг 9 йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилаётган халқимизнинг кайфияти ана шундай**

## Истиқлол нуридан баҳра олганлар

# МАМАТ ОҒА ТУҒИЛГАН КУН

Яқинда Қашқадарёда бўлганимизда, воҳанинг кўзга кўринган, меҳнати билан иззат-икром топган кишилари қаторида машҳур қоракўлчи чорвадор Мамат оға Жумағуловнинг ҳам номини тилга олиб қолишди.

Ногоҳ Мамат оға билан бўлган биринчи учрашувимизни эсладим. Ўзбекистонда Гдлян гуруҳи, кейинроқ эса «десантчилар» машъум из қолдирган йиллар эди. Мен Қашқадарёда республика газетасининг мухбири бўлиб ишлардим. Кунлардан бирида вилоятнинг Усмон Юсупов тумани Ғафур Ғулом номли қоракўлчилик давлат хўжалигида бўлганимизда вилоят раҳбарларидан бири — «марказ»дан юборилган, умрида чорвачилик билан шуғулланмаган киши «танбеҳ мажлиси» ўтказаётганининг устидан чиқиб қолдик.

– Сизнинг хўжалигингизда чўпонлар ўзларининг 20-30 талаб қўйларини ҳам боқар эканлар. Бу эса уставга зид. Ўз қўйи 15 бошдан ошмаслиги керак, — дерди ҳалиги «раҳбар». – Чўпонларнинг ҳаммасини ишдан бўшатиш лозим.

— У ҳолда чорвада ким ишлайди, катта бова? — хиёл истеҳзо билан жилмайди директор.

— Бу сизнинг «проблемангиз!» — чўрт кесди у.

Мамат оға билан илк бор шу тариқа танишдик. Жиддий, сермулоҳаза, ғайратли бу одам менда катта таассурот қолдирди. Бу ерларда уларнинг бош сонини кўпайтириб, кеча-кундуз тиним билмай меҳнат қилиш учун тоғдай тоқат, чидам, сабот, матонат керак эди. Биргина далилдан, яъни чўпон болалари армия хизматига чақирилмаслигидан ҳам улар нақадар «ноёб» эканликлари, чўпоннинг ҳаёти асло «асал» эмаслигини билиб олса бўлади.

– Ахир чўпон давлат қўйларига қўшиб ўзининг 10-15 та қўйини боқмаса, чўпонлик қилармиди! – деди директор куйиниб.

Қаранг, чорванинг «ч» ҳарфини ҳам билмайдиган одамлар бизга ақл ўргатмоқчи бўладилар! Ўз эркимизга ўзимиз қачон эга бўлар эканмиз-а?! Ахир пичоқ бориб суякка етди-ку! Агар шундай кун келса, ўша кун менинг иккинчи марта туғилган куним бўлади.

... Оддий туркман чорвадорнинг ўғли вилоятнинг жануби-ғарбий кенгликларида ястаниб ётган Авазчўл чўлларида туғилиб ўсди. Ёшлигиданоқ чўпонлик меҳнатининг бутун заҳматию машаққатларини ўз бошидан ўтказди.Чорвачиликни, айниқса, қоракўлчиликни тубдан қайта ташкил этиш, замонавий илм ва технология асосида ривожлантириш орқалигина уни сердаромад соҳага айлантириш мумкинлигини юраги билан ҳис қилди. Шу мақсадда анча қийналиб бўлса-да, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг зоотехник-муҳандислик факультетини тамомлади. Мана, йигирма икки йилдирки, Ғафур Ғулом номли қоракўлчилик хўжалигига раҳбарлик қилиб келмоқда.

– Авваллари, мустақилликкача ҳам бу хўжалик аъзолари ёмон ишлашмади. Аммо ҳалол меҳнат билан қадр топиш осон эмас эди, – дейди биз билан суҳбатда Усмон Юсупов тумани ҳокими Ёрқул Турсунов. – Хўжалик ҳозир пешқадамликни қўлдан бермай келмоқда.

Бу ерда йил сайин гўшт, жун, қоракўл тери сотиш режалари ортиғи билан бажарилаяпти. Жорий йилда эса хўжалик ғаллакорлари туманда биринчи бўлиб дон топшириш режасини ошириб уддаладилар. Қабул пунктларига 1398 тонна ўрнига қарийб 1500 тонна ғалла топширилди. Ўтган йили режадагидан ортиқ 140 тонна гўшт топширилган эди. 1999 йилда ялпи даромад 128 миллион сўмни ташкил этиб, соф даромад 37 миллионга чиқди. Рентабеллик даражаси 27,7 фоизни ташкил этди.

Хўжалик раҳбари оддий меҳнаткашлар манфаатини ҳамиша биринчи ўринга қўйиб келадиганлар тоифасидан. Ғафур Ғулом номли хўжаликнинг ҳозирги кўрки-жамоли унинг номи билан боғлиқ. Кўз етмас қақроқ чўл ўртасидаги замонавий қишлоқ, текис асфальт йўллар, равон, серфайз кўчалар, замонавий мактаблар, болалар боғчалари, шинамгина бозор. Марказий қишлоқ кўп жиҳатлари билан миттигина шаҳарни эслатади. Фермалар ҳамда жойлардаги аҳоли пунктларига 83 километр масофада асфальт ётқизилган, хонадонлар эса ичимлик суви, электр, телефон ва табиий газ билан таъминланган.

Хўжаликда 7 та миллат вакиллари истиқомат қилишади. Ҳаммаси — ўзбек диёрининг фарзандлари. Мустақиллигимиз шарофати билан қаддини баланд кўтариб юрган бу одамлар ўзларининг шижоатли меҳнатлари ила қадимий Авазчўлнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшмоқдалар.

– Ватан, халқ ўз фарзандининг бошини силаганлиги шунчалик бўлар-да, — дейди Мамат оға ўйчан. — Ўзимдан қиёс:оддий чўпон боласи эдим. Ўқидим, ўсиб-улғайдим. Эл орасида қадр-қиммат топдим. Мустақиллик даврида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвонига сазовор бўлдим. Каъбатулло тупроғини кўзимга суртишни орзу қилиб юрардим, бу қутлуғ ниятим ҳам амалга ошди. Мен – халқнинг бир зарраси – ўз ҳаётим мазмунини шу элимга садоқат билан хизмат қилишда, деб биламан.



Ҳикоямиз қаҳрамони етти ўғил ва бир қизнинг отаси. Ўғилларининг барчаси халқ корига ярайдиган ақлли-ҳушли фарзандлар бўлиб тарбия топдилар. Ягона қизи 12 ёшли Феруза ҳақида эса алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Унинг тақдирида даврнинг нафаси, Мамат оғанинг байналмилалчилиги ўз аксини топган. Бу ҳақда таниқли журналист дўстларимиздан бири шундай дейди:

.– 1988 йили биз, ўзбекистонлик пахтакорларнинг ўзаро текшириш бригадаси таркибида Озарбойжонга бордик. Сафимизда қашқадарёлик таниқли чорвадор Мамат ака Жумағулов ҳам бор эди. Сафаримиз ниҳоясида расмий қабулда ўтирар эканмиз, кимдир кириб, даврани олиб бораётган раҳбарининг қулоғига бир нималар деб шивирлади-да, қандайдир қоғоз узатди.

– Меҳмонларимиз орасида Мамат Жумағулов деган дўстимиз борми? – сўраб қолди Озарбайжон раҳбари.

– Ҳа, бор, – ўрнидан турди Мамат ака, – тинчликми?

– Энг қувончли хабар олдик, – кулди мезбон. – Сиз фарзандлик бўлибсиз. Мана, телеграмма!

– Ўғилми-қизми?

– Қизалоқ!

– Олти ўғилдан кейин айнан қиз кутган эдик, — деди ўзида йўқ шод бўлиб Мамат ака.

Кимдир таклиф қилиб қолди:

– Келинглар, қизчанинг исмини шу ердаёқ биргалашиб қўямиз.

Бу гап ҳаммага маъқул тушди.

– Феруза бўлсин, — деди кекса мезбонлардан бири, — бу исм сизларда ҳам бор, бизларда ҳам...

Шу-шу, бу чорвадорнинг қизи ўзбек, озарбойжон ва туркман халқларининг дўстлиги рамзи сифатида Феруза бўлиб қолди.

...Мамат оғанинг иккинчи туғилган куни – мамлакатимиз мустақиллиги куни тобора яқинлашиб келмоқда. Шу муборак кунга ҳам тўққиз йил тўлаяпти. «Халқимизнинг Мамат оғадек ажойиб фарзандлари бор экан, юртимиз доимо гуллаб-яшнайверади», — деган ўй келди хаёлимга Авазчўл яйловларидан қайтар эканман.

**Қодиржон СОБИРОВ.**

## Тадбиркорлар ҳузурида

# «СУРАТЛИ ЖУРНАЛИНГИЗНИ ТОМОША ҚИЛАВЕРИНГ»

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатининг республикамиз тараққиётидаги беқиёс ўрнини қайта-қайта тилга олдилар.

Тан олиш керак, кейинги пайтда бу соҳада маълум бир ўзгаришлар юз берди. Маърузада уқтириб ўтилганидек, тадбиркорликни рағбатлантирувчи, уни кафолатлайдиган кучли тизим яратилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад – кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиз ривожига қўшаётган ҳиссасини янада орттириш, пировардида халқимиз фаровонлигини таъминлашдир. Ва бу саъй-ҳаракатлар айни пайтда ўз самараларини бера бошлади.

Мисол учун, Бухоро вилоятида ташкил этилган «Тадбиркор оила» уюшмасини олинг. Фаолият кўрсатаётганига унча кўп вақт бўлмаган ушбу нодавлат ташкилоти ҳозирнинг ўзидаёқ нафақат бизнес оламига кириб келаётган тадбиркорларга йўл-йўриқ кўрсатиш, балки уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, керак бўлса, ҳимоячисига айланиб улгурган.

Шунинг учун ҳам қисқа фурсатда уюшмага 300 га яқин юридик шахс – кичик корхона ва фирмалар аъзо бўлиб кирган. Уларнинг 149 таси оилавий тузилма. Яна бир томони, мазкур уюшма тиниб-тинчимас тадбиркор Дилором Нарзуллаева ташаббуси ва интилиши билан юзага келган бўлса, унинг атрофига бирлашган 700 кишининг 500 нафари аёллардир. Уюшма аъзоси, «Зебо» хусусий корхонаси раҳбари З. Темированинг гапларига қулоқ тутайлик-а:

– Оддий тикувчиликдан корхона раҳбарига айланганимга баъзан ўзим ҳам ишонмайман. Олдин ўзимни ожиз сезардим, бунинг устига қийинчиликлардан ҳайиқиш бор эди. Шу корхонани очиш учун 1998 йилгача қилган ҳаракатларим зое кетди, десам муболаға бўлмас. Шундай мутасаддилар бўлдики, ёрдам сўраб қабулига кирсам, дардимни эшитиш у ёқда турсин, суратли журнал томоша қилиб жилмайишдан, бўшамади ҳатто. Мана энди ишларим юришиб кетгач, уялмай-нетмай ҳамкорликни таклиф этишяпти. Мен эса уларга қатъий жавоб бердим: зерикибсизларда, томоша қилиш учун қанча суратли журнал керак бўлса топиб бераман.

Хуллас, «Тадбиркор оила»га аъзо бўлиб киргач ўз йўлимизни топиб олдик. Уюшма раиси Дилором Нарзуллаева ҳеч қандай ёрдамини аямади. У киши билан ярим тунгача бизнес-режа тузардик. Энг аввало, сифатга эътибор қаратдик. Хўш, натижа қандай деяпсизми? Соғлом рақобат асосида салоҳиятга эга корхонани доғда қолдирдик. Аскар ва зобитлар учун кийим-бош тикиб, ҳарбийларга тақдим этган эдик. Улар шу заҳоти фабрика билан тузган 145 миллион сўмлик шартномасини бекор қилиб, бизга буюртма берди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, эндиликда россиялик ҳарбийлардан ҳам йирик миқдорда буюртма олдик. Ҳа, унутаёзибман, бевосита уюшманинг воситачилигида АҚШ грантини олиш арафасидамиз.

З. Темированинг ҳаяжон билан гапиришидан Президентимизнинг кечаги йиғилишда хусусийлаштиришни имкон қадар тезлаштириш, корхоналарнинг сифатли, рақобатбардош маҳсулот тайёрлашига эришиш, акциядорлик тизимини янада жонлантириш, хорижий сармоядорларни кўпроқ жалб қилиш, экспорт ҳажмини ошириш хусусида бежиз куюнмаётганлигини яна бир бор англадим. Зеро, «Зебо» кичик корхонасининг фаолияти бу куюнчакликнинг амалдаги исботи эди.

– 2000 йилнинг май ойида «Тадбиркор оила» уюшмаси кўмагида «Зебу-Зар» ўқув ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этдик, – дейди Зебо Ниғматова. – Корхонамизда 25 киши фаолият кўрсатмоқда. Асосий мақсадимиз ёшларни ўқиш ва иш билан таъминлашдир. Икки ойлик фаолиятимиз давомида хоналаримизни ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминладик. Бу ишларда уюшма жуда кўп ёрдам ва маслаҳатлар бермоқда. Дилором опа ҳар ойда тадбиркор аёлларни тўплаб, дилдаги гапларимизни эшитадилар, қўлларидан келган ёрдамини аямайдилар.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

*Шўрчи туманидаги пилла тайёрлаш ва қайта ишлаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти йилига 100 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга. Шу кунларда жамият мутасаддилари бу қувватни икки баробарга ошириш борасида иш олиб боришмоқда. Янги қўшимча цех ҳадемай фойдаланишга топширилади. Излаганга имконият топилади, деганларидек жамият аъзолари фақат пиллачилик билангина чекланиб қолишмаяпти. Корхона қошида фаолият кўрсатаётган пахта толасидан бўз тўқийдиган цех корхонага яхшигина даромад келтирмоқда. Унда ҳар йили 120 минг метрдан ошириб сифатли маҳсулот тайёрланаётир.*



**СУРАТДА: бўз тўқиш цехи илғор ишчиси Лолахон Қориева.**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# БИЗНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

## АЛЛО, ТОКИОДАН ГАПИРЯПМИЗ..

«Умид» жамғармаси фаолияти, бу ердаги бугунги ишлар билан яқиндан танишиш ниятида Жамғарма директори ўринбосари Ботир Убайдуллаев ҳузурига кирдик.

Кенг столнинг усти тўла қоғоз, хонада яна бир неча йигит-қизлар ҳужжатлар тайёрлаш билан машғул. Тўхтовсиз телефон қўнғироқлари орасида Ботир Ҳусанович компьютердан чиққан ҳужжатларни тез-тез кўздан кечиради. Ҳам телефонда сўзлашади, ҳам ҳужжатларни имзолайди. Бунинг устига, турли мамлакатлардан ёзги таътилга қайтаётган талабалар унинг ҳузурига пайдарпай кириб турибди. Яна қўнғироқ. Ботир Ҳусанович телефон гўшагини қулоққа тутади:

— Алло, Токиодан? Эшитаман, 28 июлдами? Келишдик. Шундан кечикмаса бўлди. Омон бўлинг, ишларга муваффақият!

У телефон гўшагини ўрнига қўйиб, бўлиб ўтган суҳбатга қизиқсиниб қолганлигимни пайқаб, менга деди:

— Токиодан, Ўзбекистон элчихонасининг маслаҳатчи вакили Алишер Охунжонов билан гаплашдик. Ҳозир ёзги таътил мавсуми, самолётлар таътилга кетаётган японлардан ва бошқалардан тегишмаяпти экан. Шу боис, у ерда таълим олаётган «Умид»чиларни 28 июлда «Токио — Сеул — Тошкент» ёки «Токио—Бангкок—Тошкент» рейси билан жўнатсам, кечикмайдими, деб маслаҳатлашди. Шароит-да, келишдик. Болаларимиз 28 июлда Тошкентга етиб келишади...

Ҳа, чет элда ўқишнинг ўзи бўлмайди. Ёшларимиз дунёнинг ҳамма бурчакларида, ҳар лаҳзада Ватан эътиборида. «Умид»чиларнинг ўқиши, кундалик турмуш шароити, барча катта-кичик муаммолари билан хориждаги элчихоналаримиз ҳам мунтазам шуғулланадилар. Шу кунларда Ўзбекистоннинг чет эллардаги жамики элчихоналари ўша мамлакатларда таҳсил кўраётган «Умид»чиларни ёзги таътилга жўнатиш тараддуди билан шуғулланмоқдалар. Шу масалада жамғарма қароргоҳига хориждаги элчихоналардан тўхтовсиз қўнғироқлар бўлиб турибди.

Тошкентда эса «Умид» жамғармаси ходимлари таътилга қайтган талабаларни ёзги оромгоҳларга жойлаштириш, шунингдек, ўқишнинг дастлабки босқичларини тугатиб келганларини эса ўз мутахассисликлари бўйича турли ташкилотлар, муассасалар, корхоналарга амалиётга йўллаш билан шуғулланмоқда. Айни кунларда жамғарма ходимлари яна бир масала билан банд. Бу йил чет элда ўқиш учун қабул қилинган янги талабаларни тегишли мамлакатларга жўнатиш учун уларни йўлга тайёрлаш, ҳужжатларидаги ками-кўстини бартараф этиш ҳам қизғин бораяпти. Мана, бир йигитча кирди. Қибрай туманидан экан. Паспортини расмийлаштиришда чигалликлар туғилибди. Буни эса тумандаги тегишли идора билан гаплашиб, зудлик билан ҳал этиш керак. Ботир Ҳусанович йигитча билан гаплашиб, аҳволни аниқлагач, дафтарига нималарнидир жадал қайд этиб, унга эртага келишини айтди.

Вақт бу ерда тиғиз. Суҳбатимиз узуқ-юлуқ давом этди. Хайрлашиб туриб, Ботир Ҳусанович узр оҳангида:

— Агар яна қандайдир маълумот зарур бўлса, мен кеч соат 8-9 да ҳам шу ердаман. Қўнғироқ қилишармиз, — дейди. Бу ерда иш эрта тонгдан бошланиб, туннинг аллamaҳалида тугашини сездим.

## «УМИД»ЧИЛАР, БЎШ КЕЛМАНГ!

Чет давлатларга ўқишга жўнатилаётган фарзандларимизни бежизга «энг иқтидорли болалар» дейишмайди. Хорижда ўқиш учун, чиндан ҳам, иқтидорлиларнинг энг иқтидорлиси танлаб олинади. Масалан, 1997-1999 йилларда республика олий ўқув юртларидан 5500 йигит-қиз «Умид» танлови синовлари учун ҳужжат топширишди. Лекин улардан фақат 625 нафаригагина хорижда таълим олиш бахти насиб этди. «Умид» танлови ғоятда жиддий танлов! Уларни танлашда адашиш юз бермаганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Сабаби — олис эллардаги энг кучли ўқув марказларида дунёнинг бошқа йигит-қизлари орасида ҳам юлдуздай чақнаб турган ёшларимиз бор.

Қуйида уларнинг айримлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Масалан, Отабек Каримов 1997 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг иккинчи курсини битириб, «Умид» жамғармаси синовларидан муваффақиятли ўтиб, АҚШнинг Вашингтон университетида бакалавриат ўқув шакли бўйича таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритди. 1998-1999 ўқув йили мобайнида у бакалавриат босқичида ўқиш билан биргаликда бир йиллик магистратура дастурини ҳам муваффақиятли ўқиб якунлади. Бакалавриат ўқув шаклига мўлжалланган уч йиллик муддат ичида Отабек ўзининг иқтидорини ёрқин намоён этиб, ҳам бакалаврлик, ҳам магистрлик унвонига муяссар бўлди.

Яна бир йигитча ҳақида тўхталайлик. Ўткир Мирсаидов 1997 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг физика-математика факультети II курсини тамомлаб, «Умид» танлови орқали АҚШнинг Техас университетига ўқишга юборилди. Ўткир ўқиш мобайнида алоҳида иқтидорини намоён этгач, Техас университети раҳбарияти уни бакалавриатдан биратўла магистратура ўқув шаклига ўтказишга тавсия берди. Ўшанда «Умид» жамғармасига шу университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори Тереза А. Селливан номидан шундай мазмунда хат келди: «Мен катта мамнуният билан Мирсаидов Ўткирнинг 2000 йил кузги семестридан Техас университетининг физика йўналиши бўйича магистратурага ўқишга қабул этилганлигини хабар қиламан».

Ўткир университетнинг физика профессори Жонн Маркеттнинг сўрови билан магистратурада ўқиб, университет қаттиқ жисмлар лабораториясида илмий ходим вазифасини ўтай бошлади. Бу ўзбек талабасининг юксак салоҳиятига ишонч эди...

Ҳозирги кунда кўпгина хориждаги талабаларимиз ўқишни муваффақиятли якунлаб, Ўзбекистонга қайтди. Улар «Умид» жамғармасининг тавсияси билан республика вазирликларида, турли давлат қўмиталарида, миллий компанияларда, банкларда, Фанлар академиясида, олий ўқув юртларида ва йирик корхоналарда ишламоқдалар. Бу йил ўқувни тамомлаган яна бир гуруҳ ёшлар ҳам хизматларини бошлашди.

Айтиш керакки, ёшлар хорижда олган билим ва малакаларини мамлакатимизнинг иқтисодий, молиявий ва ишлаб чиқариш фаолиятини замоннинг энг илғор талаблари асосида ислоҳ қилиш, янгилашга муваффақиятли тадбиқ этмоқдалар. Мен чет эл таълимини олиб, ўз фаолиятини бошлаган бир неча ёшлар билан учрашиб суҳбатлашганимда, бунга ишонч ҳосил қилдим.

Шерзод Шерматов АҚШнинг Коннектекут штатидаги Йель университетининг иқтисодиёт бўйича магистратура ўқув шаклини тугатиб келган. У халқаро иқтисодиёт ва иқтисодий ривожланиш дастури бўйича мутахассис. Ҳозирги кунда Молия вазирлигининг валюта-иқтисод Бош бошқармасида хизмат қилаяпти. Шерзод вазирлик тизимида халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва фаоллаштириш соҳасида олиб борилаётган ишлар жабҳасида хорижий тажрибаларни тадбиқ қилишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин.

«Умид» жамғармаси бағридан бундай ёшларнинг ҳали яна қанча-қанчаси ўсиб етишади. Бинобарин, уларнинг Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланиб, тобора янгиланиб боришига ҳиссалари ҳам тобора салмоқли бўлиб бораверади.

Бизнинг эса уларга ниятимиз шундай: бўш келманг, «Умид»чилар!

## ХАЛҚ ЭЛЧИЛАРИ

Жамғарма директори Музаффар Қутлуқович биз билан суҳбатда, жумладан, шундай фикрларни айтди:

— «Умид»чилар тўғрисида гаплашадиган бўлсак, яна бир муҳим жиҳатга эътибор беришимиз керак бўлади. Мана тўққиз йилки, мустақил Ватанимиз дунё ҳамжамияти билан борган сари чуқур ҳамкорликка киришмоқда. Ўзбекистон дунёни танимоқда. Айни пайтда, дунё ҳам Ўзбекистонни янада аниқроқ

## Бугуннинг гапи

**Фарғона шаҳридан чиқиб, Кувасойга кадам қўйишингиз биланоқ, диккатингизни йўл четига ўрнатилган улкан паннодаги ёзув тортади: «Навкирон Кувасойимизни ишбилармонлар ва тадбиркорлар шаҳрига айлантирайлик». Уни ўқиркансиз, беихтиёр кўнгилга ёруғлик инади. «Шаҳарда давр талабию руҳини тез илғаб олишга ҳаракат қилиняпти экан-да!» деган фикр хаёлингиздан ўтади.**

# ИСЛОҲОТЛАРНИ ОБРЎСИЗЛАНТИРМАНГ

**ёки кувасойлик тадбиркор Мухтор бобо Маҳмудовнинг дарду ҳасратларидан бир шингил**

Шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида бўлганимизда, айни кунларда бу ерда 218 та фирма, 69 та кичик корхона, 2 та қўшма корхона, жами 600 дан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатишаётганини айтишди. Уларнинг аксарият қисми шаҳар индустриясининг табиатидан келиб чиқиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулланар экан.

Албатта, ихтисослаштирилган кичик корхоналар, фирмалар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Лекин уларга қандай шарт-шароитлар яратилган, ҳокимликлардаги мутасаддилар тадбиркорларга қандай ёрдам бермоқдалар? Бу масалада, гапнинг рости, аҳвол ўта ташвишли. Биз 82 ёшли хусусий тадбиркор Мухтор бобо Маҳмудовнинг дард тўла гапларини эшитиб, бунга иқрор бўлдик.

– Ёшим бир жойга бориб қолди, – деди у. – Иккинчи жаҳон урушининг 1-гуруҳ ногирониман. 10 нафар фарзандим, қирқдан зиёд невараю чевараларим бор. Шунданми, кўпчилик «Охиратингни ўйлаб, тинчгина ётавермайсанми?» – дейишади. Лекин нима қилай? Бир юмушга қўл урдимми, уни охирига етказмагунимча кечасию кундузи тиним билмайман. Умр бўйи одамлар хизматида бўлиб, сочим оқарди. Исфайрамсой соҳилидаги чойхоналар, савдо дўконларини ўз қўлим билан бунёд этганман.

Қариганимда жонажон қишлоғимнинг «Чек» маҳалласида ҳам савдо дўкони, чойхона қуришга аҳд қилдим. Одатимга кўра, бу ишга астойдил киришдим. Аммо қурилишдан ҳам унинг ҳужжатларини тўғрилаш ўн чандон машмаша экан.

Гап шундаки, ана шу масала юзасидан Кувасой шаҳар ҳокимлигига роса бир йил қатнадим. Ҳокимликдагиларнинг эса парвойи палак. Арзиҳол қилсанг, жавоблари тайёр: «Бунинг нонини ейдиганлар бўлак, ўшаларга мурожаат қилинг». Ачинарлиси, ҳоким Худоберди Қосимовнинг ҳузурига кириш амримаҳол. Ходимлари ҳам ундан ўрнак олишса керак, «димоғларида ош пишади». Шу боис улар ишлайдиган ойнаванд бинога яқинлашишга юрагим бетламай қолди.

Булар ҳали ҳолва. Биласизми, савдо дўкони олдидаги бир парча ерни хусусийлаштираман деб, ярим йил овора бўлдим. Шаҳар давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига борсам, кадастр бўлимига жўнатишади, у ердан яна изимга қайтаришади. Ниҳоят, амал-тақал қилиб, ерни хусусийлаштириб олдим. Аммо ҳужжатларнинг бир қисми ҳали ҳам бошқарманинг бўлим бошлиғи Собиржон Ботировда турибди. Боласи тушмагур «борди-келди» узилиб қолади, деб ўйлаётган бўлса керак...

Бир нарсадан хурсандман. Прокуратура ходимларининг аралашуви билан дўконнинг ишини юргизиб олдим. Барибир машмаша ҳамон давом этаяпти. Участка нозирию мол дўхтири, солиқчилару тафтишчилар кўз очиргани қўйишмайди. Бор-э, деб дўконга қулф солдим. Оч қорним, тинч қулоғим, дедим...

Отахон оппоқ соқолини силаб, бироз тин олди, мижжаларида ёш пайдо бўлди. Бу ҳолатдан менинг ҳам, ҳамроҳим – шаҳар товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси раисининг ўринбосари Нодиржон Мирзалиевнинг ҳам кўнглимиз алланечук бўлиб кетди.

– Телевизорда «Ахборот» кўрсатувининг бирортасини ҳам қолдирмай кўраман, – дея сўзини давом эттирди Мухтор бобо. – Куни кеча бўлиб ўтган катта йиғинда Президентимиз ҳатто майда улгуржи савдо дўконларининг икир-чикирларигача ҳам тўхталиб ўтди. Ўйланиб қоламан. Биз, кичик тадбиркорларнинг ташвишлари билан шахсан Юртбошимиз мунтазам шуғулланса-ю, Кувасой шаҳар ҳокимлигидаги тўрачалар эса бамайлихотир юришаверса... Бу ислоҳотларни обрўсизлантириш эмасми?

Табиий савол туғилади: йиллар асорати қўлига ҳасса тутттирган, бели бироз дол, лекин юз-кўзидан ғайрат-шижоат ёғилиб турган кекса бир тадбиркор куюнчаклик билан, эл корига, юрт ободлигига ҳисса қўшиш иштиёқида хайрли ишларга қўл урган экан, нега бу Кувасойдаги айрим раҳбарларга ёқмаяпти? Ваҳоланки, отахон ўз қўли билан қурган савдо дўкони олдида яшнаб турган анвойи гуллар – гултожихўрозлару номозшомгулларни кўриб, баҳри дилингиз очилади. Шунда «Юмшоқ ўриндиқларга чўкиб ўтирган кувасойлик бюрократларга ҳам шу отахоннинг юз ғайратидан лоақал ярми юқиб қолсайди» деган фикр дилингиздан ўтади. Афсус...

Шаҳардан қайтаётиб, яна нигоҳимиз ўша паннодаги ёзувга тушди. Бу гал, негадир, ҳали ярақлаб кўринган ҳарфлар нурсиз, хира тортиб кетгандай туюлди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ҳуқуқингизни биласизми?*

Республикамизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар томонидан текширишларни рўйхатга олиш китоби жорий этилганидан хабардормиз. Бу китоб, албатта, тадбиркорларга қўл келмоқда.

# ТЕКШИРУВЧИ КЕЛДИМИ, КИТОБНИ ТЎЛҒАЗСИН

Ушбу китобни юритишдан асосий мақсад барча хўжалик юритувчи субъектларни, шу жумладан, тадбиркорларни ноқонуний текширишларнинг олдини олиш ҳамда қонунга асосан ўтказиладиган ҳар қандай текширишларни тартибга солишдан иборат.

Китобни барча туман, шаҳар, вилоятлар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасидан олиш мумкин. Адлия вазирлиги томонидан шу йилнинг 6 апрелида 917-сон билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, китоб хўжалик юритувчи субъектнинг номи аниқ ёзилган, ҳудудий палатанинг муҳри босилган ва тасдиқланган ҳолда берилади. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 40-моддасига асосан, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда, текширувчи барча мансабдор шахслар китобга текшириш асослари ва текширувчининг шахсига доир маълумотлар ҳамда бошқа керакли барча ёзувларни киритишлари шарт. Агар текширув ўтказишга келган мансабдор шахс китобга тегишли ёзувлар киритишдан ва текшириш асосларини тақдим этишдан бош тортса, уни текширилувчи текширувга қўймасликка ва ҳеч қандай ҳужжат тақдим этмасликка ҳақли.

Ҳар бир ўтказилган ноқонуний текширувлар ва аралашувлар юзасидан адлия органлари томонидан айбдор мансабдор шахсларни интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилаяпти. Айрим ҳолларда айбдор мансабдор шахсларнинг ноқонуний текширувлари туфайли етказилган моддий ва маънавий зарарлар, шунингдек, бой берилган фойдани улардан ундириш учун судларга даъво аризалари киритилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида шундай қонунбузарликка йўл қўйган 58 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилди, улардан тадбиркорлар фойдасига 11.291.575 сўмлик моддий ва 3.475.000 сўмлик маънавий зарарлар ундирилди. Маҳаллий ҳокимият органлари, солиқ идоралари, хўжаликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари номига 313 та тақдимнома киритилиб, кўплаб тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Республикамизда ушбу китобни хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларга тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан амалга оширилмоқда. Ҳозирги, кунгача 30.000 донадан ортиқ китоб тарқатилди. Уни чоп этиш ва тарқатиш ишлари давом эттириляпти. Ўйлаймизки, бу китоб хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда тадбиркорлар ишини енгиллаштириш билан биргаликда улар фаолиятини янада ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

**С. ЗОКИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармасининг катта маслаҳатчиси.**



*Оталар ўгити ҳамиша азиз.*
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат-лавҳа.**

# ЁЗ – БОЛАЛАРГА СОЗ

## *бўлиши нималарга боғлиқ?*

Болалар ёзда тоғ бағридаги бирон бир оромгоҳда ҳордиқ чиқаришиб, саломатликларини тиклашса қандай яхши? Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, албатта.

— Оромгоҳларни мавсумга тайёрлагунча озмунча елиб-югуришга тўғри келдими, — дейди касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Эсон Ражабов. — Ҳарқалай, меҳнатимиз зое кетмади. Оромгоҳларда болаларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Сабоҳат Мированинг айтишича, вилоятда 27 та болалар оромгоҳи бор. Ана шу оромгоҳларда 27 минг 590 нафар бола дам олиши керак. Хўш, бу озми-кўпми?

— Оз, — дейди Сабоҳат Мирова. — Чунки бу 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг 4-5 фоизини ташкил этади, холос.

Масалага аниқлик киритиш учун вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматулла Мусурмоновга мурожаат қилдик. Унинг айтишича, 1-7 синфлардаги ўқувчилар 472 минг 510 нафарни ташкил этади.

— Шунинг учун ҳам, — дейди Сабоҳат Мирова, — бу йил оромгоҳлар тўрт сменада ишлайди. Мақсад — иложи борича кўпроқ болани тоғ бағрида дам олдириш. Тўғри, биринчи сменада шаҳардан ташқари оромгоҳларда 7381 нафар, мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда 520 нафар, жами 8201 бола ҳордиқ чиқаради. Иккинчи сменада ҳам 8402 нафар бола дам олди.

— Режа бўйича мактаблар қошидаги оромгоҳлар 59 та бўлиши керак эди, — изоҳ беради Сабоҳат Мирова, — 15 таси ишлаяпти. Бунинг сабаби шуки, кўпчилик мактабларда шароит йўқ. Шуни ҳисобга олиб, бу йил оромгоҳларда имкони борича кўпроқ болалар тоғ ҳавосидан нафас олсин, дедик.

Ҳа, тоғ ҳавосининг ўзи шифо. Бунга Китобдаги «Ёш алангачи» болалар оромгоҳида бўлганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Муаззам тоғлар қўйнида, осмонга найзадек қадалган чўққиларнинг пойида Тахтиқорача довонидан энишда сойликда жойлашган бу оромгоҳни шўх-шодон болакайларнинг қийқириқлари тутиб кетган.



— «Қувноқ стартлар», бўлаяпти — тушунтиради оромгоҳ бош етакчиси Альберт Умматов. — Қўшни «Шабада» оромгоҳи билан бизнинг «Ёш алангачи»ларимиз мусобақалашаяпти.

«Ёш алангачи»да бўлиб, болаларни кузатиб, шундай хулосага келдимки, болалар бу оромгоҳда ўзларини эркин, мустақил ҳис этишади. Қизиқарли ўйинлар, машғулотлар, экскурсиялар ва саёҳатлар шунчалик кўп ва ранг-барангки, зерикиш хаёлларига ҳам келмайди.

— «Улуғбек хазинаси»ни албатта топамиз, — дейди болалардан бири.

«Улуғбек хазинаси», яъни кутубхонасидаги китоблар шу тоғ бағрига кўмилган, деган гап юради халқ орасида, — тушунтиради бош етакчи. — Шунинг учун «Хазина изла, топ» ўйини ташкил этганмиз. — Булар шуни айтишаяпти.

Кўзмунчоқдек қизчанинг ҳаракатлари эътиборимизни тортди.

— Нима ясаяпсан, қизим? — сўрадим ундан.

— Эртага «Санъат куни» — бийрон жавоб беради у. — Шунга тайёргарлик кўраяпман. Дарахт ясаяпман.

— Қайси мактабда ўқийсан?

— Муборакдаги Саид Жўраев номли мактабда, 6-синфга ўтдим.

— Бу йил оромгоҳга биринчи келишингми?

— Нега энди? — саволга савол билан жавоб қайтаради у. — Бултур ҳам келувдим. Агар иложи бўлса, тўртинчи сменада ҳам келмоқчиман.

— Сенга бу ер ёқдими?

— Жудаям.

Унинг ёнидаги Луиза исмли қизча ҳам шу гапни айтди.

— 392 бола дам олаяпти, — тушунтиради Альберт Умматов. — Уларга 5 маҳал овқат берилади. Мева-чева кўп. Нон шу ернинг ўзида пиширилади. Бир болага бир кунда овқатланиши учун 870 сўм сарфланаяпти. Асосан бу ерда Муборак нефть ва газ конлари бошқармаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи ишчи-хизматчиларининг болалари дам олишади. Шунинг учун касаба уюшмаси ҳам, газчилар ҳам пул ажратишяпти. Таъминот яхши.

— Бу йил оромгоҳлар таъминоти учун 270 миллион сўм ажратилган, — дейди Касаба уюшмалари вилоят кенгаши ижтимоий суғурта ва молия бўлими бошлиғи Абдуҳалим Эшқобилов. — Ҳар бир бола учун кунига ўртача 405 сўм овқат пули, маданий хизмат учун 13 сўм, дори-дармон учун 10 сўм сарфлаш режалаштирилган. Вилоят ҳокимлиги қошидаги «Соғломлаштириш» комиссияси, касаба уюшмалари томонидан кам таъминланган оилалар болаларини имтиёзли, яъни бепул йўлланмалар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Дарҳақиқат, «Ёш алангачи» оромгоҳида ҳам Китобдаги «Меҳрибонлик уйи»нинг 30 нафар тарбияланувчиси дам олаётган экан.

— Ёз болаларга соз бўлиши, — дейди Сабоҳат Мирова, — раҳбарларга, уларнинг болажонлигига боғлиқ. Мен мана шу йил оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, таъмирлаш чоғида бунга ишонч ҳосил қилдим. Масалан, «Ёш алангачи» ўтган йили республикада энг яхши оромгоҳ деб тан олинди. Бу йил ҳам Худо хоҳласа шундай бўлади. Сабаби, бу ерга ҳомийлик қилаётган корхона — Муборак нефть ва газ конлари бошқармаси бошлиғи Нуриддин Зайниев таъмирлаш ишларига ўзи бош-қош бўлди. Ҳозир ҳам озиқ-овқат таъминоти билан шахсан қизиқади. Умуман, болаларнинг ҳолидан доимий хабардор бўлиб туради. Энг асосийси, болалар ёзни эмин-эркин, қувнаб ўтказишаётир. Қани энди айрим бошқа раҳбарлар ҳам шуни тушуниб етишса.

Соғлом авлод йилида болалар саломатлиги ҳақида қайғуриш табиий ҳол. Аммо бу мавсумий бўлмаслиги керак. Ахир 117 минг 500 нафар 7-14 ёшли болаларнинг бор-йўғи 27 минг 590 нафари оромгоҳларда дам олаётганлиги ҳали келажакда қилинадиган ишлар кўплигини кўрсатиб турибди. Демак, оромгоҳларни кўпайтириш, борларининг шароитини яхшилаш, уларда болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари, ўйнаб-кулишлари, саломатликларини тиклашлари учун кўп иш қилишга тўғри келади. Китобдаги «Ёш алангачи», Яккабоғдаги Улуғбек номли, Азиз Қориев номли, «Ёшлик», «Автомобилчи», Шаҳрисабздаги Беруний номли, «Лочин» каби оромгоҳлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Шунда болакайларнинг кўча чангитиб юришларига чек қўйилади. Энг муҳими, улар соғлом ва бақувват бўладилар.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**«ХАЛҚ СЎЗИ»**
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик* — 133-78-92;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 516,
22228 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.50*
1 2 3 4 5 6



*Хўжалик раҳбарлари, фермерлар, барча тадбиркорлар диққатига!*

**МЕВА-САБЗАВОТНИ КЎЗЛАНГАН МАНЗИЛГА ЕТКАЗИШ КЕРАКМИ?**
**ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ!**

***"Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компаниясининг Бош фрахт агенти –***
**"ЎЗБЕКТЕМИРЙЎЛЭКСПЕДИЦИЯ" ДАВЛАТ КОРХОНАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **"2000 йилда хўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори изчил бажарилишига ҳисса қўшиш мақсадида хўл мева-сабзавотларни ва консерва маҳсулотларини МДҲ мамлакатлари темир йўллари орқали Ҳамдўстликнинг исталган нуқтасига етказиб бериш бўйича экспедиция хизмати кўрсатишнинг барча турларини адо этмоқда.

**"Ўзбектемирйўлэкспедиция" давлат корхонаси Сизларга қуйидаги хизматларни таклиф этади:**
- *юкларни МДҲ ва яқин хориж мамлакатлари ҳудуди бўйлаб ташиш – экспедиция хизмати;*
- *юкларни қидириш, улар белгиланган станцияга етиб боришини кузатиш;*
- *маҳсулот жўнатиш учун талаб этиладиган барча ҳужжатларни расмийлаштириш;*
- *маҳсулот жўнатувчини ўша жойнинг ўзида икки кун ичида юк вагонлари билан таъминлаш;*
- *суғурта хизмати.*

**"Ўзбектемирйўлэкспедиция" давлат корхонаси Ўзбекистон Республикасидан жўнатилган юклар Қозоғистон ҳудудида ташилишида тарифларга кўра қуйидаги чегирмаларни татбиқ этади:**
- ***ҳўл мева-сабзавотлар, полиз маҳсулотларини рефрижераторли вагонларда ташишда 50 фоиз чегирма;***
- ***ёпиқ вагонларда – 40 фоиз ҳажмида;***
- ***вино ва вино маҳсулотларини цистерналарда ташишда – 50 фоиз ҳажмида.***

**Ўзбекистон ҳудудида барча тез бузиладиган юкларни ташишда тарифларга кўра 50 фоиз чегирма татбиқ этилади. Шунингдек, Россия Федерацияси ҳудудида импорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотларини ташишда 50 фоизлик чегирма қўлланилади.**

*"Ўзбектемирйўлэкспедиция" давлат корхонаси «VISA» карточкаси бўлган мижозлардан хорижий давлатлар ҳудудида юкларни ташиш ҳақини эркин муомаладаги валютада қабул қилади. "Ўзбектемирйўлэкспедиция" давлат корхонаси 2000 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан нақд эркин муомаладаги валютани қабул қилиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида махсус валюта ҳисобини очган.*




**Бизнинг офис "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компаниясининг Тарас Шевченко кўчаси, 7-уйдаги биносида жойлашган.**
**Телефонларимиз:**
**(+ 998 712) 59-58-12; 59-66-92; 59-62-63; 136-43-52.**
**Ёзма сўровларингизни факслар: (+ 998 71) 133-45-49; 132-01-49; 132-04-36 ёки қуйидаги манзил бўйича электрон почта орқали йўллашингиз мумкин: uzbexzhd@online.ru.**

**Шунингдек, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Урганч, Қўнғирот шаҳарларидаги темир йўл бўлимлари биноларида жойлашган минтақавий бўлинмаларимизга ҳам мурожаат этишингиз мумкин.**

3121





## ТУНДА ҲАМ КУНДАГИДЕК

Маълумки, айрим одамлар тунда ухлашолмайди. Ундайларни «бойқуш»лар ҳам деб аташади. Лос-Анжелесда қироатхонанинг махсус бўлими тунги соат 10 дан эрталабки 6 гача ана шундай одамлар учун хизмат қилади. Табиийки, қироатхона хизматчилари ҳам асосан «бойқуш»лардан иборат.



## МОПЕД ҚУЁШ ҚУВВАТИДА ЮРАДИ

Осака шаҳрида яшовчи бир гуруҳ муҳандислар қуёш батареясида ишловчи «Қуёш мопеди» яратишди. Мопед худди велосипед кўринишида бўлиб, кичик электромотор ва қуёш батареяси бор. У соатига 40 километр тезликда юради. Қуёш нурига тўйинган батарея қуввати билан 120 километр масофагача бориш мумкин.



## «ЧЕМПИОН» ОЛТИН

1869 йили Австралиядаги қишлоқ йўли чуқурлигидан топилган, «Қимматли нотаниш» деб номланган олтин софлик бобида «чемпион» ҳисобланади. Топилманинг умумий оғирлиги 70,9 кило бўлиб, соф олтин 69.9 килони ташкил этган.


**МАВСУМ - ЁЗ 2000**

Paris OPTICAL

**Оптик, қуёшдан ҳимоя қилувчи**
**КЎЗОЙНАКЛАР.**
**Дунёнинг энг пешқадам корхоналарида тайёрланган, беғубор, тиниқ, шаффоф, ойнали ва пластик линзалар билан қопланган.**

**RAY-BAN, VERSACE, FERRE, GUCCI, VALENTINO, Yves Saint Laurent, ROCHAS, CARTIER, S.T. DUPONT, CHRISTIAN DIOR, FENDI, CARRERA, GIORGIO ARMANI.**



**Тел.: (371) 137-72-89/90**

**Манзилимиз:** Пойтахт бизнес мажмуаси, (метронинг «Ҳ. Олимжон» бекати), бинонинг чап қаноти, кириш ички томондан, 3-йўлак.

©РАПресса 3125

Ушбу купонни тақдим этсангиз, қуёшдан ҳимояловчи кўзойнакни
**10 фоиз чегирма билан харид қиласиз.**




Москва-хафтада 3 марта
Душанба, чоршанба ва жума кунлари
Боинг 737 тўғридан-тўғри парвозлар.

Ўзбекистон фуқаролари учун махсус таклиф 400$

**Франкфурт ва Лондонда қулай туташувлар**
**Пафос (Кипр)-Ўрта ер денгизидаги курорт.**
**Шимолий ва Жанубий Америка, Санкт-Петербург, Минск, Страсбургга махсус рейслар.**

**Ахборот, чипталар ва юкларни Тошкентда бронлаш:**
«Трансаэро» ваколатхонаси, Халқлар дўстлиги шк.,6а
Тел.: (371)133-99-35,133-76-38
www. transaero.ru

ТРАНСАЭРО авиакомпания 2000

Чипталар сўм ва АҚШ долларида сотилади.